



Шомдаги галаба

553-хижрий йил Рамазон ойининг 22-санасида (1158 йил 17 октябрь) Миср отлик аскарлар кўшини салибчилар флотини енгиб, кўплаб франкларни асир олган ва бой ўлжаларни кўлга киритган холда Шом сохилларига юришдан кайтиб келди. Бу кўшин Мисрнинг буюк вазири ёш султон ал-Файз Абулкосим Исо ибн Исмоил регенти бўлган Талайя ибн Руззикнинг маблагларига қуроллантирилган эди. Бу харбий юриш мусулмонлар XII асрда салибчиларга қарши амалга оширган жиходнинг бир қисми бўлган. Салибчилар Мисрни босиб олиш билан таҳдид солган, шу сабабли Талайя ибн Руззик зангийар сулоласидан Дамашк амири, мусулмонлар ерларини озод қилиш учун мурасасиз қурашчи Нуриддин Махмуд Зангий билан иттифок тузишни лозим топган.

Мусулмон тарихчиларининг гувоҳлик беришича, 553-хижрий йилнинг Рамазон ойида франклар устидан қозонилган ғалаба илҳомлантирувчи бўлиб, буюк муваффақият сифатида баҳоланган. Шуниси диққатга сазоворки, бу шиалар сулоласи (фотимийлар) суннийлар (зангийлар) билан иттифок тузган камдан-кам ҳолатлардан саналади. Бирок исмоилийларнинг мотиви аниқ эди: улар суннийлардан кўра кўпроқ салибчилар таҳдид солиб турган ҳокимият тепасида сакланиб қолиш ниятида эди.

Абу Муслим таржимаси